

Саудия? Бу саргузаштни интиқлик билан кутяпман



19:45 / 02.07.2023 1687

«Қуръонни ўқиб, йиғладим» — Бенземанинг севгилиси Исломни қабул қилгани ҳақида

«Исломни қабул қилдим. Бу Мадриддаги масжидда содир бўлди. Улар Қуръон ўқишди. Ёш қизалоқдек йиғладим. Жуда таъсирчанман.

Мен бу дин ҳақида кўп изландим. Ўқиганларим таъсир қилди. Рамазон ойида Қуръон ўқиб йиғладим. Мен каби исломни қабул қилган насроний қиз ҳақидаги «Муқаддас Ислом йўли» асарини ҳам ўқидим. Ҳақиқатан ҳам қимматли китоб.

Саудия? Бу саргузаштни интиқлик билан кутяпман. Мамлакат ва унинг маданияти ҳақида билишни хоҳлайман.

Саудиядаги дресс-код? Мен учун ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Мамлакат маданияти мен учун муҳим», — дейди америкада туғилган Жордан Озуна.

Манба: tribuna.uz